



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

20 23 yil “ 03 „ август

№ 188

Toshkent sh.

### **Акушерлик ва гинекология йўналишида клиник баённомалар, ташхислаш ва даволаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони ҳамда 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сон Қарори ижросини таъминлаш, халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган клиник баённомаларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

“Бачадондан аномал қон кетишлар: ташхислаш ва даволаш тактикаси” клиник баённомаси 1-иловага мувофиқ;

“Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари” миллий клиник баённомаси 2-иловага мувофиқ;

“Эктопик (бачадондан ташқари) ҳомиладорлик” миллий клиник баённомаси 3-иловага мувофиқ;

“Ҳомиладорлик даврида юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволаш” миллий клиник баённомаси 4-иловага мувофиқ;

“Туғруқ индукцияси” миллий клиник баённомаси 5-иловага мувофиқ;

“Тухумдонлар поликистози синдроми” миллий клиник баённомаси 6-иловага мувофиқ;

“Эндометриоз” ташхислаш ва даволаш тактикаси” миллий клиник баённомаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Омонов), Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (Н.Надирханова) Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда мазкур буйруқ билан тасдиқланган миллий клиник баённомаларни барча тиббиёт муассасаларига етказилишини, амалиётга татбиқ этилишини ҳамда клиник баённомалардаги тартиб ва кўрсатмалардан тўлиқ фойдаланишни ташкил этсин.

3. Илм-фан ва таълим бошқармаси (Ў.Исмаилов) мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларни 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура, интернатура, шунингдек, шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларига киритилишини таъминласин.

4. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси (И.Омонов) тиббиёт муассасаларида ўтказиладиган ўрганишларда мазкур буйруқ билан тасдиқланган клиник баённомаларнинг тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

5. “IT-MED” МЧЖ (М.Хадралиев) мазкур буйруқ билан тасдиқланган миллий клиник баённомаларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклатилсин.

**Вазир**



**А.Иноятов**